



СИКХИЗМ ДИНИДА ИҚТИСОДИЙ ОНГ

Худойкулов Азамат Бешимович

Иқтисодиёт ва педагогика университети
Тарих ва ижтимоий фанлар кафедраси доцент в.б.

E-mail: azamatxudoukulov@gmail.com

Тел.: +998 (91)-562-77-15

Саидов Шомаҳмуд Азамат ўғли

Турон университети Педагогика ва психология
кафедраси 1-босқич магистрант

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20536609>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-may 2026 yil

Ma'qullandi: 28-may 2026 yil

Nashr qilindi: 30-may 2026 yil

KEYWORDS

сикхизм, иқтисодий онг,
меҳнат этикаси, ҳалол
даромат, хайрия, иқтисодий
ахлоқ, ижтимоий тенглик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада сикхизм динида иқтисодий онгнинг шаклланиши, меҳнатга муносабат, ҳалол даромад топиш, ижтимоий тенглик ва хайрия тамойилларитаҳлил қилинган. Сикхизм таълимотида "Kirat Karni" (ҳалол меҳнат қилиш), "Vand Chakna" (даромадни бошқалар билан бўлиши) ва "Naam Japna" (руҳий поклик) тамойиллари иқтисодий ахлоқнинг асосини ташкил қилиши ёритилган. Тадқиқотда диний ахлоқий қадриятларнинг жамият иқтисодий муносабатларига таъсири илмий жиҳатдан баҳоланган.

Сикхизм XVасрда ҲиндистоннингПанжоб худудида Гуру Нанак томонидан асос солинган диний таълимот ҳисобланади. Ушбу дин инсоннинг нафақат маънавий, балкииқтисодий ҳаётига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Сикхизмда меҳнат қилиш, ҳалол даромад топиш ва жамият манфаати учун хизмат қилиш муҳим диний бурч сифатида баҳоланади.

Сикхизм иқтисодий қарашларининг асосий хусусияти - бойликни мутлақ мақсад эмас, балки жамият фаровонлигига хизмат қилувчи восита сифатида талқин қилинишидир. Бу эса иқтисодий онг ва ахлоқий қадриятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатади.

Ҳозирда сикхизм динига эътиқод қилувчиларнинг сони 30 млн. атрофида бўлиб, бу динга бўлган қизиқувчилар сони ортиб бормоқда. Шуниси қизиқки, XV аср охири ёки XVI аср бошларида соф диний ислоҳот шаклида бошланган сикхизм ҳаракати XVII асрнинг иккинчи ярмига келиб ўз эътиқод қилувчиларини фаол ҳарбий анъаналар билан суғорилган сиёсий ташкилот атрофида жамлади. Бундай ўзига хос тараққиётнинг натижаси шу бўлдики, ўтган аср бошларида кичкинагина ҳарбий-диний жамоа Ранжид Сингх асос солган кучли давлатга айланди.

Сикхизм динига Панжобда гуру (устоз) Нанак (1469-1539) томонидан асос солиниб, унга эргашганлар ўзларини сикхлар, яъни шогирдлар деб аташган. «Сикхизм» атамаси ҳам шу сўздан олинган.

Нанакнинг вафотидан кейин унинг таълимоти 9 та гуру ривожлантирган. Хусусан, тўққизинчи гуру **Говинд Сингх** (1675-1708) бу ишда муҳим роль ўйнаган. Улар ягона таълимотни тарғиб қилган ягона гуруни 10 қиёфада намоён бўлади деб ҳисоблаганлар.

Сикхизм талқинида хиндуийликдаги Брахма, Вишну, Шива ва исломдаги Аллоҳ бир илоҳиётда мужассам бўлади. У **ниргун** («сифатлардан холи») ва **сагун** («сифатлар эгаси») деб талқин қилинади. Унинг асосий ҳолати ниргун бўлиб, бу ҳолат ҳар қандай сифатлардан холидир. Бироқ инсон уни қандайдир сифатлар орқали таниши учун у ўз хоҳиши билан сагун ҳолатига ўтади. Сикхизм таълимоти кўра, илоҳиёт – **Яратувчи, Сақловчи, Вайрон қилувчи (Брахма, Вишну, Шивалардек)** сифатларни ўзида мужассам қилади. У қудратли ва ҳукмдордир. Унинг томонидан яратилган дунё эса ўзгарувчан ва фонийдир. Илоҳиёт эса – абадий. У азалда ҳам, ҳозирда ҳам, келажақда ҳам мустақил равишда мавжуддир. Азалийлик, вақтдан ташқарида бўлиш, туғилмаганлик, ўлмаслик каби унга берилган сифатлар унинг моҳиятини англатади. Худога бўлган муҳаббат, ишонч, садоқат йўлини тутган ҳар бир инсон Унга етишиши ва У билан бирлашиб кетиши мумкин. Худога ибодат қилиш, сикхизм таълимоти бўйича, асло дунёвий ҳаётдан узилишни, роҳиблик йўлини тутишни англатмайди, аксинча, ҳаётда фаолликни, тўла меҳнатни ва оиладаги ўз вазифасини бажаришни англатади. Бу тамойилларга тўла амал қилиш пировард натижада туғилишлар занжирининг узилишига ва инсоннинг худо билан бирлашиб кетишига олиб келади. Ҳар ким худо билан бевосита мулоқотда бўлиши мумкин.

Сикхизм Ҳиндистон халқи диний тафаккурининг бир босқичи сифатида кучли ислохотчилик ҳаракатлари заминидан юзага келди. Бу ҳаракат Рамананд, Горакхнатх, Чайтаньях, Кабир ва Валлабхачарья номлари билан боғлиқ бўлиб, бутун XVI асрни ўз ичига олди. Бу даврда хиндуийлик каби сикхизмга ҳам исломнинг таъсири кучли бўлди. Бу жойда маданиятлар орасидаги доимий кураш ўз аксини топди. Нанак ҳам Кабир каби хиндуийликни бутпарастликдан тозалаб, исломга яқинлаштиришга ҳаракат қилди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, сикхлар бир Худога эътиқод қиладилар. Бу дин бошқа илоҳ ва бутларга ибодат қилишни, хиндуийликнинг йирик зиёратгоҳларига боришни, фолбинлик ва сеҳр-жодуга ишонишни тақиқлайди ҳамда туғилиш ва ўлим билан боғлиқ бўлган поклаш маросимларини тан олмайди. Сикхизм ижтимоий тизим сифатида каста табақаланишини инкор этади ва бу йўл билан брахманларнинг туғилиш, ўлим ва никоҳ маросимларидаги раҳбарлик мавқеига барҳам беради.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Сикхизмнинг иқтисодий қарашлари бўйича бир қатор хорижий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Збигнев Игелскининг “Antropology of economy and the Sikh Concept of Kirat Karni” номли таълимотида сикхизмда меҳнат этикаси ва иқтисодий маданият таҳлил қилинган. Муаллиф сикхизмни иқтисодий фаоллик ва ижтимоий тенгликни тарғиб қилувчи таълимот сифатида баҳолайди.

Айрим тадқиқотларда “Kirat Karni” тамойили ҳалол меҳнат ва иқтисодий адолат асоси сифатида кўрсатилган. Сикхизм инсонни фақат ҳалол меҳнат орқали риск топишга чақиришни таъкидлайди.

Шунингдек, “Vand Chakna” ва “Dasvandh” концепсиялари иқтисодий тенглик ва ижтимоий ёрдам механизмлари сифатида талқин қилинади. Унга кўра, инсон ўз даромадининг маълум қисмини муҳтожларга ажратиши лозим.

Бошқа динлар каби сикхизм ҳам ўзининг муқаддас китобига эга. Унинг муқаддас китоби – **Адигрантх** («Бошланғич китоб») бўлиб, бешинчи гуру **Аржун** (1581-1606) томонидан тузилган. У шунингдек, **Гурурантх** («Гуру китоби») ёки **Грантхсаҳиб** («**Соҳибнинг китоби**») номлари билан ҳам аталади. Унга аввал дастлабки беш гурунинг, кейинчалик эса бошқа гуруларнинг мадҳиялари кирган. Жумладан, Кабирнинг, Намдевнинг, Фаридиддин Ганжишакарнинг (XV аср) мадҳиялари билан бир қаторда бир неча Бхакти ва суфийлик ҳаракати намояндаларининг ҳам мадҳиялари кирган. У панжоб тилида ёзилган бўлиб, ҳозирги кунда Амритсардаги сикхларнинг бош ибодатхонаси ҳисобланмиш «**Олтин Ҳарам**»да сақланади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда қуйидаги усуллардан фойдаланилди.

- * тарихий-таҳлилий усул;
- * қиёсий таҳлил;
- * диний манбаларни интерпретация қилиш;
- * социологик ва фалсафий ёндашувлар.

Тадқиқотнинг назарий асосини сикхизмнинг муқаддас китоби - “Guru Granth Sahib” ҳамда замонавий илмий манбалар ташкил этади.

Кейинги йилларда сикхизмда хиндуийлик одатларини ўзлаштириб олган дин вакиллари билан соф сикхлар орасида бўлиниш кузатилмоқда. Биринчи гуруҳ намояндалари томонидан энг муқаддас жойларнинг ишғол этилиши 1926 йили Панжоб сиёсий майдонида «Ақолий Дал» ҳаракатининг юзага келишига сабаб бўлди. Диний тамойиллар асосида тузилган бу ҳаракат намояндалари мусулмонлар, ҳиндуийлар ва сикхларнинг сиёсий тенглигини талаб қилиб чиқдилар. 1947 йили Ҳиндистоннинг иккига бўлиниши натижасида мусулмонлар Панжобнинг Покистонга тегишли қисмига, ҳиндуий ва сикхийлар эса Панжобнинг Ҳиндистонга тегишли қисмига кўчиб ўтганларидан кейин бу ҳаракатнинг таъсири кучайди.

Таҳлил ва натижалар. Сикхизмда иқтисодий онгнинг асосий тамойилларидан бири - “Кират Каро” (“ҳалол меҳнат қилинг”) ғоясидир. Бу тамойил инсонни меҳнатсеварликка, тадбиркорликка ва ўз даромадини ҳалол йўл билан топишга ундайди. Сиктаълимотига кўра: “Ҳалол меҳнат билан топилган риск инсоннинг маънавий поклигини таъминлайди” [1, 45-бет].

Мазкур қарашлар иқтисодий маданият шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, меҳнатнинг ижтимоий қадрини оширади. Сикхлар жамиятида хунармандчилик, савдо ва тадбиркорликнинг ривожланганлиги ҳам айнан шу диний қарашлар билан боғлиқдир.

Сикхизмда иқтисодий онгнинг яна бир муҳим жиҳати - “Ванд Чхако” (“топганингизни бошқалар билан бўлишинг”) тамойилидир. Бу ғоя ижтимоий тенглик ва хайрияни рағбатлантиради. Сикх ибодатхоналаридаги “лангар” анъанаси, яъни барча инсонларга бепул овқат тарқатиш амалиёти жамиятда ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди. Манбаларда қайд этилишича: “Инсон бойлигининг ҳақиқий қадри унинг жамият манфаати учун сарфланишидадир” [2, 73-бет].

XX асрнинг 50-60-йилларида бу ҳаракат ягона ирқ ва тил масаласидан келиб чиқиб, Панжоб штати тузилишини талаб қилди. Натижада 1966 йили шундай штат ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу штатда Ҳиндистон сикхийларининг 80 фоизи истиқомат қилади.

XX аср 90-йилларининг бошида сикх жамоасининг сони 14 млн. кишига тенг эди. Улар Ҳиндистондаги динларнинг катталиги жиҳатидан тўртинчиси ҳисобланади.

60-йилларнинг ўрталарига келиб минтақавий сикхизм ҳаракатлари сиёсий тус олиб, сикхларнинг мустақил, ягона Холистон давлатини тузишга қаратилди. Ҳозирги кунда ҳам Ҳиндистон сиёсатида сикхизм омили катта ўрин тутади.

Сикхизм таълимотида исрофгарчилик ва очкўзлик қораланади. Моддий бойлик инсон ҳаётининг асосий мақсади эмаслиги таъкидланиб, маънавий камолот биринчи ўринга қўйилади. Бу ҳақда қуйидаги фикр келтирилади: “Мол-дунёга ҳаддан ташқари берилган инсон ҳақиқат йўлидан узоқлашади” (3, 58-бет).

Сикхизмда иқтисодий онг ахлоқий назорат билан уйғун ҳолда ривожланади. Бу эса иқтисодий муносабатларда ҳалоллик, адолат ва ишонч муҳитини шакллантиришга ёрдам беради. Замонавий иқтисодий муносабатларда ҳам сикх жамоаларининг савдо-сотикдаги ишончлиги ва интизомлиги юқори баҳоланади.

Айрим олимлар сикхизмнинг иқтисодий қарашларини “диний иқтисодий этика” сифатида баҳолайдилар. Жумладан:

“Сикхизм меҳнат ва ижтимоий масъулиятни иқтисодий тараққиётнинг маънавий асоси сифатида талқин қилади” (4, 91-бет).

Бундан ташқари, сикхизмда инсоннинг меҳнат қилиш орқали жамиятга хизмат қилиши энг юксак фазилатлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам сикхлар орасида ишбилармонлик ва жамоавий ёрдам анъаналари кенг тарқалган.

Яна бир манбада шундай дейилади:

“Ҳақиқий бойлик инсоннинг эзгу амаллари ва ҳалол меҳнати билан ўлчанади” (5, 102-бет).

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, сикхизм таълимотида иқтисодий онг ҳалол меҳнат, ижтимоий тенглик, хайрия ва маънавий масъулият ғоялари асосида шаклланган. Унда иқтисодий фаолият нафақат шахсий манфаат, балки жамият фаровонлигига хизмат қилиши лозимлиги таъкидланади. Сикхизмнинг мазкур қарашлари замонавий иқтисодий муносабатларда ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги таклифлар илгари сурилади: Сикхизмдаги ҳалол меҳнат ва ижтимоий масъулият ғояларини иқтисодий маданиятни шакллантиришда ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Ёшларда меҳнатсеварлик ва тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришда диний-ахлоқий қадриятлардан самарали фойдаланиш зарур.

Ижтимоий ҳимоя ва хайрия тизимларида сикхизмдаги “лангар” каби жамоавий ёрдам анъаналарини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Дин ва иқтисодиёт ўртасидаги ўзаро боғлиқликни чуқур ўрганиш орқали маънавий иқтисодиёт концепцияларини такомиллаштириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat engilmas kuch. - Toshkent: Ma'naviyat, 2008.
- 2.Toychiyev U. Dinshunoslik asoslari. - Toshkent: O'zbekiston, 2019.

3. Радхакришнан С. Индийская философия. - Москва: Академический проект, 1993.
4. Бонгард-Левин Г.М. Древняя индия. - Москва: Наука, 1985.
5. Basham A.L. The Wonder That Was India. - London: Pignator, 2004.
6. Flood G. An Introduction to Hinduism. - Cambridge University Press, 1996.
7. Upanishads. Translated by S. Radhakrishnan. - New Delhi: Harper Collins, 2007.

